

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

КУЙ ВА ҚЎШИҚ СЕҲРИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

КУЙ ВА ҚЎШИҚ СЕҲРИ

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2008

78.342

К 89

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Н.Алаутдинова
Мухаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

Куй ва қўшиқ сеҳри: Халқаро мусиқа куни муносабати билан: Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Мухаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-28 б.

КБК 78.342+85.31

Ушбу методик-библиографик қўлланма 1 октябрь Халқаро мусиқа куни муносабати билан тузилган. Қўлланмада шарқ мутафаккирларининг мусиқа ҳақидаги қарашлари, замонавий қўшиқчилик муаммолари, мусиқа ва қўшиқнинг шифобахшлик хусусияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, шуниндек, АКМ ва АРМларда ўтказиш мумкин бўлган оммавий тадбирлар ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхона мутахассислари, мусиқа ва қўшиқ соҳасига қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.

Сўз боши

Қадим-қадимдан сўз ва мусиқа муқаддас саналиб келган. Дунё сўз туфайли яралган бўлса, инсон жисмига жон мусиқа ёрдамида кирган, деган нақл бор.

Мусиқа – инсонларни эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. – “Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ, – деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов. – ...Ўзбек халқи ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган. Юртимизда ўз мусиқачиси, ўз санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дутор ёки танбур каби бирон-бир чолғунинг доимо осийлиқ туриши ҳам халқимизнинг ана шу санъатга чексиз ҳурмати ва ихлосидан далолат беради”.

Мусиқа шундай воситаки, у янги авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, инсон руҳий оламига бевосита таъсир кўрсатади, тингловчи дунёқарашини шакллантиради. Айни чоқда у инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиради, ҳис-туйғуларини бойитади.

Инсон ҳаётида кўшиқнинг ҳамиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд – у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган: кўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, бахту қувончига шерик бўлган. Кўшиқнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан.

Кутубхоналар, АКМ ва АРМ мутахассислари 1 октябрь Халқаро мусиқа кунига бағишлаб, мумтоз мусиқий меросимизни, бугунги кундаги мусиқа санъатимиз ва маданиятимизни кенг китобхонлар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида турли оммавий тадбирларни ўтказишлари мумкин.

Бундай тадбирларга мусиқа мутахассисларини, бастакорлар, хонандаларни жалб этиш тавсия этилади.

Шарқ мутафаккирлари мусиқа хақида

Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди.

Токи одамзод ўзини қуршаб турган ташқи оламда, ўзи яшаётган жамиятда, ўзи билан мулоқотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилинаётган бадий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, ҳеч қачон маънавий баркамол инсон даражасига кўтарила олмайди.

Мусиқа ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир.

Шахсни камол топтиришда мусиқа маданиятининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, биринчидан, инсон ва унинг моҳияти масаласини, иккинчидан, маърифатлилик кўламини, учинчидан, маънавий камолотда мусиқа эга бўлган имкониятларни аниқлаш демакдир.

Инсонни маънавий баркамол қилмоқнинг чора ва тадбирлари кўп. Улар орасида мусиқа алоҳида ўрин тутди. Шарқ мутафаккирлари мусиқага доир алоҳида рисолалар ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Ал-Киндий, Ал-Фаробий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Беруний, Ал-Мааррий, Зайниддин Ғаззолий, Жамолиддин Румий, Ал-Хоразмий, Абдулқодир Найий, Ар-Ғозий, Сафиуддин Урмавий, Масъуд аш-Шерозий, Абдулқодир Мароғий, Муҳаммад Нишопурий, Ал-Хусайний, Қутбиддин Шерозий, Маҳмуд Амулий, Абдурахмон Жомий, Биноий, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Зайнулобиддин Хусайний, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий, Фитрат, Юнус Ражабий ва бошқалар Шарқ мусиқа маданияти ва унинг ўзига хос бадий-эстетик ва тарбиявий моҳияти ҳақида ажойиб фикр-мулоҳазалар баён этганлар.

Макомлар бўйича моҳир илмий тадқиқотчи Исҳоқ Ражабов Шарқ мусиқасига доир ёзма ва оғзаки манбалар, ривоят ҳамда афсоналарни баён этар экан, номаълум муаллиф рисоласини шундай шарҳлайди: “Масалан, китоб муаллифининг айтишича,

ёқимли овоз юксак таъсир кучига эга бўлиб, уни эшитиш билан инсон ички аламлардан холи бўлади. Киши ҳар қандай қийинчиликни, ҳатто очлик, ташналикни эсидан чиқаради. Мусиқа оғир меҳнатдан кейин дам олишнинг энг яхши воситасидир. Мусиқанинг таъсир кучини ҳатто шундан ҳам билса бўладики, йиғлаб турган бола онанинг алласини эшитиб, тинчланади ва ухлаб қолади”.

Мусиқа ана шундай бадиий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга санъат туридир.

Мусиқанинг инсон маънавиятига таъсири ҳақида сўз кетганда буюк Шарқ мутафаккири Форобийни эсламай илож йўқ. Форобий (873 – 950) қомусий олим бўлиш билан бирга буюк мусиқашунос ҳам эди. Унинг мусиқа илми соҳасидаги фаолияти фақат назарий қарашлар билан чегараланиб қолмасдан, амалий ифодасини ҳам топган. Форобийнинг ўз даври учун янгилик бўлган мусиқа асбоби яратгани, моҳир созанда ва бастакор сифатида танилгани ҳақида ривоятлар кўп.

Форобий ўзининг “Мусиқа ҳақида катта китоб” асарида мусиқани уч турга ажратади. Унинг фикрича, бир хил мусиқа инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этади, иккинчи хили эса эҳтиросларни кўзгаб, жўшқин қилади ва, ниҳоят, учинчи хил мусиқа борки, ўйга толдиради, фикрлашга, тафаккур қилишга мажбур этади. Шундай қилиб, Форобий мусиқанинг ривожланиш босқичларини, унинг инсон руҳига у ёки бу ҳолда таъсир қилишини, маънавий озик бериб, уни яхши ишларга руҳлантиришини, хурсандчилик ва қайғуда одамга ҳамдам бўла олишини ва, ниҳоят, мусиқа одамни катта ишларни амалга ошириш учун курашга чорлай олишини башорат қилган.

Форобий мусиқа илмини келтириб чиқарган сабаблар хусусида ёзар экан, мусиқанинг ахлоқий-тарбиявий жиҳатларига диққатни жалб этади. “Бу илм шу маънода фойдалики, –деб ёзади Форобий “Ихсо ал-улум” асарида – ўз мувозанатини йўқотган (одамлар) хулқини тартибга келтиради, мукамалликка етмаган хулқни мукамал қилади ва мувозанатда бўлган (одамлар) хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир,

чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсикқа учраса, руҳ ҳам тўсикқа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, руҳ эса ўз кучларининг тартибга солиниши ва субстанциясига мослаштирилиши орқали соғаяди”.

Форобий куйларнинг турлари ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида гапириб, уларни уч турга ажратади: бири кўнгилга лаззат ва роҳат бағишлайди; бошқаси биринчи тур куйлар бирга қўшилиб, кўнгилни тахайюл билан бойитади. Бу жараёнда нарсаларнинг суратлари гўёки чизилаётган янглиғ кўнгилда гавдаланади; учинчи хил куйлар ҳайвоннинг лаззати ёки азияти билан боғлиқ инфюлот ва аҳвол ҳақидаги мазмундан таркиб топади. Бунда инсон ва товуш чиқарувчи ҳайвон табиатларида учрайдиган нағмалардан лаззат ёки азият чекиш ҳоллари кўзда тутилади.

Абу Али Ибн Сино (980–1037) қадимги юнон файласуфлари ҳамда Форобийнинг мусиқа тўғрисидаги таълимотларини чуқур ўзлаштирган ҳолда, мусиқанинг инсон маънавияти билан боғлиқ жиҳатларига ҳам катта эътибор беради. Олимнинг фикрича, “мусиқа ҳаётбахш, олижаноб ахлоқий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга хизмат қилади, унинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради”.

Умуман, мусиқа инсон табиатини нечоғлиқ ўзгартиргани, инсоннинг инсон билан ўзаро алоқаси ва муносабатлари нақадар боғлиқ эканлиги Ибн Синонинг “Китоб аш-шифо” рисоласининг мусиқа бўлимида баён этилади.

Форобий мусиқа таълимотининг муносиб давомчиси, буюк аллома Абдурахмон Жомий (1414–1492) ҳам мусиқа таълимоти ва унинг инсон маънавий камолотида ўйнаган ролига доир жуда кўп қимматли фикрлар ёзиб қолдирган.

Жомий “Рисолаи мусиқий” асарида мусиқа инсоннинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжлари маҳсули эканлиги, инсон эҳтиёжлари кўпайган сари табиий имо-ишораларнинг торлик қилиб, овоз орқали мулоқотга бориши ва шу туфайли оддий товушлар аста-секин мусиқий тус олганини ёзади. Оддий товушларнинг нозик ва ихчам эшитилиши кишига завқ

бағишлаб, инсон рухиятини янада нозиклаштиради, инсон бундай кайфиятлар чоғини чўзиш ва такрорлаш иштиёқига тушади. Бу нарса инсонда завқланиш, эшитган, эшитаётган ва эслаган товуш, зарб ва куйларидан таъсирланиш салоҳиятини вужудга келтиради. Инсон қалбининг энг нозик кечинмалари дилгирлик ва кувонч, тушкунлик ва умид, изтироб ва руҳланишлар ҳам маълум товушлар орқали кишига маънавий роҳат ё маънавий тушкунлик кайфиятларини беради. Бу билан Жомий мусиқанинг бутун инсон умри ва ҳаёти, фалакиёт ва табиат билан боғлиқ жараён эканлигини, мусиқа туйғулар гармониясига, инсон билан табиат ўртасидаги уйғунликка чорловчи фаолият эканлигига ишора қилади.

Жомий таълимотидан шу нарса келиб чиқадики, мусиқа инсоннинг руҳий ва ижтимоий ҳаётини камраб олувчи ва бирлаштирувчи ўзига хос гўзаллик оламидир.

Демак, Шарқ алломаларининг мусиқа ва инсон маънавиятига доир қарашларидан шу нарса аён бўладики, мусиқа асарлари кишиларни эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда беқиёс имкониятларга эга.

Мусиқа ҳар даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-мафкуравий ҳаётининг муҳим ва таъсирчан воситаси бўлиб келган. Мусиқа асарлари халқнинг маънавий эҳтиёжларинигина қондириб қолмай, балки кишиларнинг мавжуд ижтимоий тузумга, жамиятга, ҳаётнинг салбий ходисаларига нисбатан бўлган қарашларини ҳам акс эттирган.

Масалан, XX аср бошларида Туркистондаги мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик кайфиятларини ифодаловчи “Минг лаънат”, “Элликбоши”, “Хон зулми”, “Поездингни жилдирган...” мисралари билан бошланадиган кўшиқлар туркуми яратилди.

Кўриниб турибдики, бир томондан, мусиқа инсон маънавиятига таъсир қилиб, унинг рухиятини ўзгартиришга қодир бўлса, иккинчи томондан, халқ турмуши ва ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳам ўз навбатида куй, кўшиқларга янгича мазмун, янгича руҳ бағишлаган. Бу нарса мусиқанинг инсон маънавиятидан четда тараққий эта олмаслигидан, халқ

маънавияти эса мусикадан узоқда яшай билмаслигидан дарак беради.

Тўғри, шўролар замонида ўзбек мусикасида ва тингловчилар руҳий оламида маълум ўзгаришлар бўлиб ўтди. Бир томондан, Оврўпа мусика маданияти ижро шакллари ҳисобланган хор, оркестр; қатор чолғу асбоблари – скрипка, рояль, орган, гитара ва бошқалар; мусика жанрларидан симфония, сюита, опера, оратория, ария, соната ва бошқалар кириб келди. Бу ҳодиса миллий мусика меросимиз ёзма равишда тўпланишига, турли мусика мактабларининг пайдо бўлишига ва ривожланишига асос бўлди.

Мусика маданиятимиздаги бундай янгиликлар халқ маънавиятига таъсир қилиб, эстетик ва бадиий диднинг ортишига олиб келган бўлса ҳам, асосий мафкуравий вазифа ўзгача эди. Мусика тарбияси, умуман, халқнинг бадиий тарбияси нотўғри мафкуравий ниятга – ягона миллат – совет халқини шакллантириш ва тарбиялашга қаратилган эди. Барча соҳаларда миллий маданий меросни кенг кўламда тараққий эттириш эмас, аксинча, уларнинг интернационаллашув тамойилларини ўрганиш ва шунга имконият яратиш асосий вазифа ҳисобланган эди.

Бунинг оқибати ҳозир ҳаммага аён.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, барча ижтимоий-маънавий соҳаларда бўлгани каби, мусика соҳасида ҳам аввало миллий анъаналаримизни, меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш жараёни бошланди. Бу ҳол ўтган даврларда эришилган муваффақиятларни, тўпланган бадиий қадриятларни миллийлик ва умуминсонийлик нуқтаи назаридан, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланган ҳолда тараққий эттириш имкониятини яратди.

Бинобарин, мустақиллик туфайли миллий мусика маданиятимиз ўзининг азалий манбаларидан куч олиб, миллий руҳиятни, маънавий камолотни шакллантиришга хизмат қила бошлади, замонавий жанрлар билан бойиган ҳолда халқимизни янги жамият қуришга руҳлантирмоқда.

Маънавий баркамол инсонни шакллантиришда мусиканинг аҳамияти ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусиқа асарларининг инсонда гўзаллик, улуғворлик, кўтаринкилик, тушкунлик, ғамгинлик, ҳазинлик, маъюслик сингари туйғуларни уйғотувчи хусусиятлари мавжуд ва худди мана шу жиҳатлари орқали инсон маънавиятга таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, мусиқа инсоннинг умуман ҳаётга бўлган эстетик муносабатларини кучайтиради ва нозиклаштиради, айниқса, ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, ахлоқан покланиш, ҳаётга мослашиш, бирор касб-хунар эгаси сифатида ижтимоий фаоллашишига ёрдам беради. Мусиқа билан чинакам ошно бўлган шахснинг ҳатто ташқи қиёфаси, ҳатти-ҳаракати ва муомала маданиятида ҳам ўзгариш рўй беради.

Мусиқа ўзининг дастлабки кўринишлари – она алласидан то опера даражасигача бўлган тараққиёт жараёнида инсон қалби ва руҳиятига малҳам вазифасини бажарган. У одамлардаги энг яхши фазилатларни кучайтирган, уларни эзгулик, муҳаббат ва қаҳрамонликка чорлаган. Шунинг учун мусиқа якка шахсга эмас, омма ва халққа ижро этилади, кўпчиликнинг бадиий-эстетик онги ва туйғуларини уйғунлаштиришда аҳамият касб этади.

Замонавий миллий қўшиқчилик муаммолари

Қўшиқсиз инсон ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди. Қўшиқ одамзод маънавий оламининг энг ноёб дурдоналаридан биридир.

Кишилиқ жамияти узоқ тарихий тараққиёт жараёнида ўзининг шодлиги ва изтиробларини, эзгу идеаллари ва юксак инсоний тушунчаларни қўшиқ орқали ифодалаб келган. Ана шу маънода қўшиқчилик санъати ҳар бир халқнинг ҳаёти, тарихи, тақдири ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурларининг жонли ва ўлмас садоларидир.

Кўшиқ санъатида бадий ижодиётнинг учта ноёб жиҳати жамулжам бўлади: халқ ё шоир шеъри, халқ ёки бастакор мусикаси ва хонанда ижроси. Қачонки бу уч омил бир-бирига монанд бўлсагина кўшиқ дунёга келади.

Кўшиқчилик санъати пайдо бўлгандан то шу бугунги кунгача кўшиқчиликнинг ана шу уч қирраси ўртасидаги муштараклик ёки зиддият бу санъатнинг у ёки бу даврдаги, у ёки бу бастакор ва хонанда ижодидаги ҳолатни белгилаб келади. Мисол тариқасида мумтоз шеърият билан боғлиқ айрим кўшиқларга назар ташлайлик.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисида қироат санъати, шеър ўқиш салоҳиятини улуғлаб шундай ёзади: “Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”.

Навоий шоирона муболаға тарзида “хўб маҳал ва мавқеъда” ўқилган бир байтни ёзилган минг яхши байтга тенг кўриши бевосита кўшиқ маънавияти ва ундаги сўзларни тўғри талаффуз айлаб, овозга тўғри солишга ҳам тааллуқлидир. Ана шу маънода шеърият боғидаги муаттар гуллар, анвойи тароналар, инсоний кечинмаларга боқий умр бағишлаш, авлодлар руҳиятининг ўлмас мероси бўлиб қолишида хонандалар зиммасига жуда катта маънавий мажбурият юкланади. Хонанда шоир юрагидаги барча шодлик, барча ғаму аламларни тингловчи юрагига қуйиб кўювчи сеҳргардир. Зотан, хонанда маҳорати ҳам ана шу мақсадни қай даражада уддалай олгани билан ўлчанади.

Улуғ санъаткорлар халқни тебратади, тинчитади, унга ором беради. Унинг юрагига ғулгула ё шодик, бахт нашъу намоларни ҳада этади. Ана шунинг учун халқимиз Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳожихон Болтаев, Муҳаммаджон Каримов, Орифхон Ҳотамов сингари ҳофизлар санъатини жон қулоғи билан тинглайди. Бу ҳофизлар санъати қайси жиҳати куй, қайси жиҳати шеър эканлигини ажратиш

қийин бўлиб, яхлит музиқий гўзаллик тарзида тингловчини ларзага солади.

Чинакам ҳофиз учун шеърнинг қофиясидан тортиб, ундаги сўз ва оҳангларга қачон ва қандай урғу беришнинг аҳамияти катта. Сўзларни, ҳарфларни бўлиб матнда сатрдан-сатрга ўтказиш бошқа, овоз ва товушларда сўзларни бўлиш бошқа. Куйлаб туриб ноўрин бўлинган сўз хижолат ё масхарага олиб келади.

Чиндан ҳам, куй ритми аниқ сақланган ҳолда, сўзлар маъноси ҳисобга олинмай, кескин бўлинган у парчалардан ҳеч нарсани англаб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом хонандага “сўфида ҳунар бўлмаса хонақоҳ танг” деган қанотли иборани эслатиб, қўшиқ сўзларини мазмунига ҳалал берадиган тарзда бўлиб айтишдан эҳтиёт бўлишни, бунинг учун ўша бўлинадиган ўринларнинг “чокини бостириб кетиш”ни, сўзни тингловчига яққол етказиш мақсадида бутун маҳоратни ишга солишни маслаҳат берган эди”.

Ялла қилиб айтиладиган, радиодан кўп бериладиган “Кўнглим сендадур” ашуласида ҳам “Санда ишқинг токи жоним тандадур” мисрасидаги “токи” сўзи ҳам “тоқай” тарзида айтиладики, бу билан шеър матни маъноси бутунлай ўзгариб кетади.

Саодат Қобулова Фузулийнинг “Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмудим, Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмудим” матлаи билан бошланадиган ғазалини чиройли ижро этади.

Бироқ “Ул гули хандонни кўрмоқ мумкин ўлсайди менга, Сендек, эй булбул, гулистонга гузар этмазмудим” мисрасидаги “гузар” сўзини “гулзор” тарзида талаффуз этади. “Гузар” сўзини Фузулий “йўл” маъносида ишлатганини эътиборга олсак, у “гулистонга йўл олмасмиди” демоқчи. Хонанда эса “гулистонга гулзор эмазмудим” деб куйлайди.

Демак, яхши қўшиқ фақат хонанданинг овози билан белгиланмайди. Аввало бадий гўзал ва қўшиқбоп шеър керак. Агар қўшиқнинг бир қаноти шеър бўлса, иккинчи қаноти куй, уларнинг иккаласи қўшилиб, хонанда овози орқали парвоз этади. Парвознинг баланд-пастиги, узоқ-яқинлиги, кучли ёки

заифлиги хонанда диди, иқтидори ва мусиқий қалбига боғлиқ. Шунинг учун халқ орасида енгил-елпи қўшиқларнинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймасликнинг бирдан-бир чораси мумтоз куй ва қўшиқларимиз, миллий меросимиз хазинасини чуқур ўрганмоқ ва ташвиқот қилмоқликдир.

Мустақиллик туфайли эришилган ижтимоий-маънавий муҳитдан фойдаланган ҳолда, тилшунос, адабиётшунос, муסיқашунос олимларимиз, шоир ва бастакорларимизнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтириш ва миллий мусиқий маданиятимизнинг бутун бадиий-эстетик моҳиятини ҳар томонлама тадқиқ этиш ишини жонлантириш керак.

Замонавий қўшиқларни кўпроқ яратиш керак, деган шиор мумтоз мусиқий меросимизга кам эътибор қаратиш керак деган маънони бермайди. Замонавий бадиий-эстетик тафаккур яхлит ва мураккаб жараён сифатида ўзида турли-туман жиҳатлар, ҳолатлар, идеаллар ва дид намуналарини ташийти. Уни бирёқлама қондириб бўлмайди. Шу билан бирга, замонавий эстетик эҳтиёжни эътиборга олмай ҳам илож йўқ. Унинг ўзига хос идрок ва завқланиш хусусиятлари ҳам борки, бу нарса замонавий мусиқий маданиятнинг мураккаб бирлигини тақозо этади.

Замонавий қўшиқчиликда, бир томондан, миллий мусиқий меросимизни асос қилиб олган ва кўпроқ халқчил, иккинчи томондан, профессионал композиторлар ва уларнинг халқ муסיқаси руҳида яратган ижод маҳсуллари мавжудки, уларнинг кўпчилиги мусиқий маълумот нуқтаи назаридан юкори савияда бўлса-да, оммавий тус олиб кетмаётгани аниқ.

Бинобарин, композиторлар ижод қилаётган асарларда ё халқ муסיқаси тўғридан-тўғри янги асарга кўчирилади, ё танқидий муносабат сезилиб қолади. Натижада, халқ миллий мусиқий меросига хос бўлган ва инсон маънавиятини бутунлай қамраб оладиган бадиий-эстетик яхлитлик етишмайди.

Қўшиқ ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда кўз олдимизга хонанда келади. Аксарият ҳолларда хонанда орқали бастакорни таниймиз, бастакор худди театр ва кино режиссёри каби ўзи кўринмайди, аммо уни кўрсатадилар. Бастакор бўлмаса куй

туғилмайди, шоир бўлмаса кўшиқ тўқилмайди. Бир-бирига устоз, бири-бирига шогирд, иккаласи бир бўлса кўшиқ деб аталмиш қалб нури жаҳони вужудга келади.

Кўшиқ халқимиз орасида кенг тарқалган жанр. Кўшиқ тингламайдиган, хиргойи қилиб юрмайдиган, бирор кўшиқни бошидан-охиригача ёд билмайдиган одам кам топилади. Шундай экан, кўшиқчилик халқимиз диди, фаросати ва маънавиятининг юксалишида жуда катта бадиий-эстетик имкониятларга эга экан, унинг шеъри, оҳанги ва ижроси ҳақида жиддий ўйламай бўлмайди. Бу нарса доимо мусиқашунослар, бастакорлар ва хонандалар диққат марказида бўлиши зарур.

80-йилларда Абдулла Орипов айрим ғариб ва ночор кўшиқлар ҳақида шундай куюниб ёзган эди: “Ғариб кўшиқлар! Уларни тингловчиларга менинг дил-дилдан раҳмим келади. Чунки бундай кўшиқлар ўзининг чучмал оҳанги, пойма-пой сўзлари билан асабларни беомон арралайди, миллионлаб тингловчиларни бир нафас бўлса ҳам, ғоят ноқулай аҳволга солиб қўяди, дидсиз, фаросатсиз ашуланининг дастидан дод дегинг, дунёдан бош олиб чиқиб кетгинг келади. Хўш, ашуланинг шеърини ёзган шоир назмбоз товламачи экан. Унинг мусиқасини ёзган бастакор аллақандай оҳангфуруш экан, ижрочи без теришдан бошқа ишга ярамайдиган ўткинчи саводсиз кимса экан, миллион-миллион халқда нима айб? Нега улуғ дид ва фаросат эгаси бўлган каттакон бир халқ бунақанги масхарабозликни тинглаши керак!”

Жуда кўп саёз кўшиқларнинг пайдо бўлишига, биринчи навбатда, ёмон шеърлар сабаб бўлмоқда. Баъзи кўшиқ матнларини ҳатто матбуода эълон қилиб ҳам бўлмайди. Булар ғоят сийқа, ғализ гапларнинг қофиялаштирилган тизмаларидангина иборатдир. Агар бу кўшиқларнинг матнини куйсиз, оҳангсиз ўқийдиган бўлсак, санъат ва нафосатга бутунлай алоқасиз бир нарсага дуч келамиз.

Халқнинг эстетик туйғуси, диди ва маънавиятига бундай нописандлик билан муносабатда бўлиш яхши натижаларга олиб келмайди. Бундай саёз шеърлар, уларга тўқилган мусиқа узоқ яшай олмайди. Халқ чинакам санъат шайдоси. Сунъий ва зўрма-

зўраки яратилган нарсаларни тикиштириш ҳақнинг маънавий туйғуларини ҳақорат қилади.

Дидсиз кўшиқларнинг кўпайиш сабаблари бир талай. Охириги пайтларда хонандаларнинг ўзлари шоир бўлиб қолишяпти. Тўғри, улкан кўшиқчи-санъаткор поэтик салоҳиятга ҳам эга бўлиб, бир-икки жозибали шеърлар ёзиши мумкин. Бироқ бу тажрибада кам учрайдиган ҳолат. Ҳозир маълум вақт ўтиши билан ўзини хонанда сифатида эл орасида танитиб олгач, ўзи ҳам шеър ёзиб, ҳам мусиқа тўқийдиган ва ўзи ижро этадиган санъаткорлар кўпайиб бормоқда. Хонанда сифатидаги шухрати камлик қилгандай ҳам шоир, ҳам бастакор сифатида намоён бўлиш истаги енгил-елпи кўшиқлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Агар чинакам кўшиқ орқали инсон кўнгли ўсса, субъектив ҳис-ҳаяжонлар, хонанданинг шахсий оҳ-воҳлари ва кечинмаларининг ифодаси бўлган кўшиқлар тингловчиларнинг кўнглини чўктиради.

Эл орасида кенг тарқалиб, тиллардан тилларга, диллардан дилларга ўтган кўшиқлар теран маъно, чуқур инсоний кечинмаларга бой бўлади. Бундай кўшиқларнинг шеъри ҳам, мусиқаси ҳам шундай гармоник яхлитликни ташкил этадики, бирини иккинчисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Халқчил кўшиқ пайдо бўлиши учун аввало яхши шеър, унга мос келувчи, шеър моҳияти ва руҳини тўла очиб бера оладиган куй ва уни санъаткорона ижро этувчи, созандаларнинг ижодий ҳамкорлиги зарурки, кўпинча бу оддий ҳақиқатга амал қилинмайди. Қаерда бастакор, шоир ва созандаларнинг чинакам ижодий ҳамкорлиги, бадиий-эстетик оламида муштараклик сезилсагина янги кўшиқ, янги бадиият гўзаллиги майдонга келади.

Саёз кўшиқлар ё конъюктура ниятларини амалга оширишда, ё мусиқадан чаласаводлик ва яхши шеърни танлай билмаслик, ёки шухратпарастлик ҳамда куй, кўшиқдан маънавий чайқовчилик йўлида фойдаланиш оқибатида халқнинг кўшиқ ва мусиқага бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини суиистеъмол қилиш натижасида пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари, айрим

композиторлар томонидан яратилган кўшиқларнинг оммавий тус олмаслигига сабаб, биринчидан, бу кўшиқларда халқ мусиқий меросидан яхши фойдаланмаслик, иккинчидан, яхши, гўзал шеър танлай билмаслик, учинчидан, композиторлик истеъдодининг юксак эмаслигидир.

Демак, яхши кўшиқ занг босиб ётмайди, у тезда халқ орасига тарқалиб кетади, ёмон кўшиқ эса, уни ҳар қанча мукофотлар билан сийламанг, халқ дилидан жой ололмайди.

Халқимиз маънавияти такомolini кўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўшиқнинг яхши-ёмонлигини ҳис қилиш учун, албатта, мусиқашунос бўлиш шарт эмас, аммо мусиқий маданият зарур. Мусиқашунос тинглаётган куй ёки ашуланинг усул ва услублари, оҳанг ва зарб йўлларидаги анъанавий ёки замонавийлик, такрорийлик ёки кашфиёт томонларига эътибор беради.

Оддий тингловчи, агар мусиқий маданиятли бўлса, куй ва ашуланинг инсон маънавиятига кўшаётган бадиий-эстетик маъносига кўпроқ аҳамият беради.

Кўшиқчиликда янгилик, кашфиёт, янги оҳанг ва зарб бўлмас экан, бундай кўшиқлар узоқ умр кўрмайди, тингловчиларнинг гашига тегади, маънавиятини ҳақорат қилади. Ҳозир очикдан-очик хорижий куйлардан фойдаланиш, миллий мусиқий асарни хорижий халқлар мусиқий оҳанглари билан аранжировка қилиш эстрада дасталари учун одат тусига кириб қолди. Эстрада йўлида қойилмақом кўшиқларнинг яратилмаётганининг сири ана шунда. “Бунинг сабаби – деган эди Абдулла Қаҳҳор, – композитор беҳуда шеърга ёқимли мусиқа ёзади ва халтурачи шоир ёқимли мусиқага ўзининг халтура шеърини тикади...”.

Натижада саёз ашулалар ва саёз созандалар гуруҳи шаклланиб қолади.

Ҳозирги замон кўшиқчилигида яхши асарларнинг пайдо бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ: шеър маъноси ва мазмуни куй мазмунига, оҳанглар характери ва моҳиятига мос келиши зарур; шеър аввало юксак бадиий руҳда ёзилган, ўқувчини чинакам нафосат, комиллик сари чорловчи бўлиши зарур. Ана

шундагина унга басталанган муסיқа ҳам чуқур, фалсафий-эстетик маъно ташийти.

Муסיқа тилини тушунамизми?

Илмий ва тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қўшиқ ҳамда рақс одамзоднинг мулоқот воситаси ҳисобланмиш нутқдан олдин юзага келган. Бу ҳол инсониятнинг бошланғич талаффузи муסיқа билан боғлиқ бўлганини кўрсатади. Қолаверса, олимлар одам қулоғидаги мушак толаларининг учдан икки қисми эшитиш хусусиятига эга эканини аниқлашган. Бинобарин, одам боласи қачонлардир товуш ва оҳанглар ёрдамида ўзаро муомала қилган. Энг қадимий муסיқий асбоблардан бири – уднинг бундан 3,5 минг йил илгари ихтиро этилгани ҳам бунинг далилидир.

Тиббиёт илмининг ютуқлари шуни кўрсатадики, одам қулоғи одатда 16 дан 2 минг герцга қадар бўлган доирадаги товушни қабул қилиш қурбига эга. Бу қувватнинг нақадар улканлигини билиш учун айрим муסיқа асбоблари имкониятини таққослашнинг ўзи кифоя. Чунончи, фортепианонинг энг паст пардали тугмаси 27,5, энг баланди эса 4186 герц товуш кучи ҳосил қилади. Олимларнинг таъкидлашича, баланд тебранишли товушлар мияда акс садо бериб, фикрлаш фаолиятини кўзгайди, тасаввур ва хотирани жонлантиради. Ўртача кўламдаги товушлар ҳис-ҳаяжон, нафас олиш ва юрак фаолиятига таъсир кўрсатади. Паст товушлар эса, жисмоний ҳаракатга ундайди. Масалан, паст тебранишли ғинғиллаш одамни безовта қилса, зўрға эшитиладиган бир хил оҳанг эса, фикрни жамлашга, хотиржамликка кўймайди.

Табиатда хилма-хил товушлар мавжуд бўлиб, улар бири-бирдан ажралиб туради. Шу боис соз ва инсон овози фарқланади, уларнинг ўзига хос жиҳатлари бошқа товушларга ўхшамайди. Бу ўзига хосликни ифодалаш учун баъзида “ширали”, “тиник”, “титроқ”, “ҳазин” каби нисбий сўзлар қўлланилади. Дейлик, тиник, ёқимли товуш таратувчи

Страдиварининг скрипкасани шу турдаги бошқа жўн созларга асло қиёслаб бўлмайди.

Дархақиқат, мусиканинг товуш тўлқинлари сеҳрли хусусиятга эга. Улар бизнинг хулқ-атворимизга, билим ва соғлигимизга таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Титроқ товушлар киши организмда ўзгариш ясовчи образлар ва таъсирланиш кучига эга ички руҳий қувват майдонларини вужудга келтиради. Биз бу қувватни ўзимизга сингдирамиз ва у нафас олиш, қон босими, мушаклар кучланиши, тери ҳолатига таъсир қилади. Айрим ҳолларда бу салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Кўпчилик мусиканинг “қалб тили” эканини билади, лекин бу гапнинг асл моҳиятини ҳамма ҳам англайвермайди. Тажрибалардан маълум бўлишича, мусикани тушуниш учун уни ҳар доим ҳам эшитиш шарт эмас экан. Бетховен, Карузо сингари бир қанча машҳур созанда ва композиторлар мутлақо қар бўлганига тарихда мисоллар кўп. Улар ҳамма қатори эшита олмаган, аммо бир маромдаги усул ва товуш образларини тебранма тўлқинлар воситасида ҳис қилиш хусусиятига эга бўлишган. Мусикий салоҳият қулоғи оғир одамларда кўпроқ учраши ҳам ғаройиб ҳодисадир. Нью-Йорк Карлар институтидаги кўплаб талабалар беқиёс мусикий қобилиятга эга эканликларини намоён этишган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, соғлом одамлар қулоғи билан эшитадиган товушларни улар бошқа тана аъзолари ёрдамида ҳис қилишади. Чунончи, мусиқа тинглаётганда уларнинг юрак фаолияти тезлашуви аниқланган.

Мусиқа беқиёс қудрат манбаидир. Форобий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг асарларидан мусиканинг, жумладан, мақом санъатининг инсонга таъсири бобида назарий ва амалий хулосаларга эга бўлиш мумкин. Қадимда мусикадан руҳ ва тана уйғунлигини вужудга келтирувчи восита сифатида фойдаланилган. Бугунги кунда ҳам шу усулни амалда қўллаш лозим эмасмикан?

Тиббиётда даволаш уч хил усулда олиб борилади: сўз, гиёҳ ва тиф. “Бемор борки, сўз билан даволаса бўлади”,– дейди Абу

Али ибн Сино. Сўз билан даволаш (психотерапия) медицинанинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бироқ, сўз ҳам ҳаммавақт ҳам шифобахш таъсирга эга эмас, шундай вақтда одатан, мусиқа қўл келади. П.И.Чайковский “қачонки, сўз беокибат қоладиган бўлса, ҳар томонлама таъсир этадиган восита мусиқади”, – деб айтган эди.

Замонавий тиббиёт илми мунтазам равишда оромбахш муסיқий оҳанглари тинглаб турадиган кишилар қонида зўриқиш гормонларининг сезиларли даражада кам бўлишини тасдиқлайди. Шу боис ҳозирги пайтда сиёсатчилар, жарроҳу муаллимлар ҳордиқ чиқариш ҳамда тетикланиш учун мусикадан самарали фойдаланишади. 1997 йили АҚШ Президенти Билл Клинтонни мураккаб операция қилишга тўғри келганда у умумий оғриқни босувчи турли дорилардан воз кечиб, бунинг ўрнига хонада оғир вазиятларда ўзига куч ва бардамлик бағишлайдиган, болалигиданок таниш мусиқа оҳанглари таралиб туришини илтимос қилган эди.

Мусиқа билан даволаш “илми”нинг тарафдорлари қуйидаги рецептни тавсия этишган: кишини жаҳлдан тушириш учун Л.Бетховеннинг “Ойдин сонатаси” (“Лунная соната”) ва И.С.Бахнинг иккинчи кантатасини, кўнгилдаги ғашликни йўқотиш учун Ф.Шопеннинг “Прелюдия”сини, рашк ҳиссини пасайтириш учун Б.Бартокнинг бешинчи квартетини ва бош оғриғига қарши Моцартнинг “Дон Жуан” операсини ва А.Хачатуряннинг “Маскарад” вальсини тинглаш керак экан.

Киши эрта-наҳорда аста-секин тиришқоқ нерв (симпатик) ихтиёрига ўтади: ишга шайланади, йўлга чиқади, меҳнат қилади. Қош қорайиши билан аста-секин тинчлантируви нерв (парасимпатик, вагус) ихтиёрига ўтади: ором олади, ётади, ухлайди. Мусиқа ҳам ўз оҳангига кўра кишига симпатик ёки парасимпатик таъсир этиши мумкин. Мусиқа ором берса ҳам, меҳнатга чорласа ҳам, бари бир киши ўзини қушдек енгил сезади. Гёте: “Мусиқа тинглаб роҳат қилганимдан сўнг, доимо иштиёқ билан ишга киришиб кетаман”, –деб бежиз айтмаган.

Хуллас, мусиқани нафақат санъат тури деб, балки инсон салоҳиятини юксалтиручи табиий омил сифатида ҳам ўрганиш

зарур. Мусиқа бизни она табиатнинг турли оҳанг ва товушлари билан муомала қилишимизга, уларнинг моҳиятига етиш ва одамлар ўртасидаги муносабатлар билан ички дунёмиз мутаносиблигини топишга ёрдам беради. Шу ўринда Карлос Кастанеданинг сабоғини эсламоқ жоиз: “Сиз дастлаб кўзингизни ортиқча машаққатдан халос этишга ўрганишингиз даркор. Дунёга келганимиздан оқ зехнимизни атроф дунё ҳақида фикр юритишга сафарбар этишга ўрганиб қолганмиз. Биз ўз-ўзимиз ва бошқалар билан асосан кўриб турган нарсаларимиз хусусида сўзлашишга одатланганмиз. Аммо ғолиб курашчи ҳам доим атроф-муҳит таратаётган товушларга кулоқ тутиб фикр қилади”. Соддароқ айтганда, мусиқа – кимнингдир дардига даво бўлади, кимгадир ҳордиқ чиқариш воситаси, кимнингдир эса қалбига хотиржамлик бахш этади.

Қадимги шаманлар ритмик мусиқа ёрдамида инсон руҳияти ва жисмидаги тўқималарга таъсир қилиб, даволаган эканлар. Баъзи мусиқалар одамни даволаса, баъзилари эса унинг ҳаётига нуқта қўйиши мумкин экан. Генетикларнинг айтишича, киши тўқималарида шундай бир механизм бор эканки, у ташқаридаги товушлардан таъсирланар экан. Ўша товушлар унда юз бераётган ўзгаришларни бошқарар экан.

Манбаларда ёзилишича, ҳеч қайси табобат тутқаноқ касаллигини буткул даволай олмаган, чунки бу касалнинг табиатан келиб чиқишини билмайдилар. АҚШ ва Буюк Британия лабораторияларида мусиқа устида олиб борилган тадқиқотларга кўра, фақат Моцартнинг сонатаси беморни тинчлантириб, хуружни тўхтатиб, тутқаноқни даволар экан. Буни тадқиқотчилар аниқладилар, лекин сабабларини тушунтириб бера олмадилар.

Шарқда одамни норасида гўдак нигоҳи билан кузатиш маъносидаги “ақл тиши” ибораси кўп қўлланилади. Бу ибора боланинг то эс-хушини таниб олгунга бўлган даврида дунёқараши эшитишига, яъни тарбияга муҳтож эканини ифодалайди. Коинотнинг мурғак фарзанди ҳисобланмиш инсон боласи “ақл тиши” чиқиши учун ҳали кўп тингламоғи ва сабоқ олмоғи лозим. Маҳатма Ганди айтганидек, “Агар диққат-

эътибор билан тинглай олсак, Тангри таоло ҳар доим биз билан ўз тилимизда мулоқот қилади”. Бинобарин мусиқа тилини тушуниш кўнглимизни тушуниш демакдир.

1 октябрь халқаро мусиқа куни муносабати билан ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методикаси

Викторина

Мазкур викторинада 8 кишидан иборат 2 та жамоа иштирок этади. Ҳакамлар ҳайъати жавобларни баҳолаб борадилар. Жавоблар 2 дан 5 баллгача баҳоланади.

Ўйинда 17 та савол ўйналади. 11-шартда жамоа аъзоларига ўзбек мумтоз мусиқа куйларидан бири эшиттирилади. Жамоа иштирокчилари куйни 2 дақиқа ичида топишлари керак.

Ўйинни қайси жамоа аввал бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

Викторинанинг намунавий саволлари

1. Ашула деб нимага айтилади?

(Ашула – кенг тарқалган вокал мусиқа асари бўлиб, унда шеър ва мусиқа бири-бирига уйғунлашган ҳолда гаудланади. Ашуланинг халқона ва профессионал турлари бор).

2. Чолғу асбобисиз чапак чалиб ижро этиладиган давра кўшиғи, ўйини. Бу ўйин (ракс)да даврадагилар чапак чалиб ашула айтадилар. Ўйинчи давра ўртасида раксга тушади. Республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тўй ва сайил маросимларида ижро этилади. Ушбу ижро нима деб аталади?

(Бешқарсак).

3. Артист сўзи қандай маънони англатади?

(Артист – (фр. Artiste – санъаткор, ижодкор) – мусиқа, драма ва бошқа шу каби санъат турларини кўпчилик ўртасида ижро

қилувчи, бажарувчи ва бу санъатни ўзига асосий касб қилиб олган истеъдод эгаси).

4. Катта ашула қай йўсинда ижро этилади?

(Фарғона водийсида, қисман Тошкентда ижро этиладиган ашулага ҳеч қандай чолғу асбоби жўр бўлмайди, ижрочи ҳофизнинг қўлида кичик бир патнис ёки ликобча бўлади. Патнис товушни маълум даражада баландлатади, уни бир томонга йўналтириш ва усулни йўқотмай, чертиб туриш учун хизмат қилади. Катта ашула ижро этувчининг овози баланд ва нафаси кенг (узун) бўлиши шарт. Шунинг учун бу ашулани кўпроқ профессионал ашулачилар ижро этишади).

5. Хоразмда ашулачи – хонанда қандай ном билан аталади?

(Муғанний).

6. Оммавий кўшиқнинг таърифини келтириб ўтинг?

(У бастакор ва композиторлар томонидан профессионал ашулачи, ҳаваскор мусиқачи ва кенг омма ижросига мўлжаллаб яратилади. Оммавий кўшиқ халқ ўртасида қанчалик кўп тарқалса, у халқ мусиқа амалиётига шунчалик сингиб боради).

7. Енгил мусиқа қандай бўлади?

(Енгил мусиқа – кенг омманинг тинглаши ва осон тушуниб олиши учун қулай бўлган мусиқа. Енгил мусиқанинг асосий хусусияти – у мазмунан мураккаб бўлмаслиги, тез хотирада қолиши, кўйнинг тушунарли бўлиши, мусиқа шакли оддий бўлиши керак. Одатда енгил мусиқа хушчақчақ, шўх бўлади).

8. Консерватория қандай муассаса?

(Консерватория (лот. Conservo – сақлайман) – олий мусиқа ўқув юрти. Илгариги даврларда италияда етим болаларни турли ҳунарларга ўргатувчи мактаб Консерватория деб аталган. Биринчи марта у 1537 йили Неаполда ташкил қилинган).

9. Попурри, бу...

(Попурри (фр. pot-pourri – турли гўшт ва сабзавотдан қилинган овқат) – турли мусиқа асарларидан олинган парчалардан асосида тузилган пьеса).

10. Вокалист, бу...

(Вокалист–ашулачи. Одатда бу термин махсус профессионал мактаб мусиқа билим юрти, консерваторияларда таълим олган ашулачиларга нисбатан қўлланилади).

11. Мумтоз мусиқа

12. Бир ёки икки ижрочи томонидан навбат билан айтиладиган бандли ашула шакли. У кўпроқ ҳажвий-танқидий, турмушдаги айрим камчиликларни характерловчи мазмунда бўлади ва ракс билан ижро этилади. Бу қандай ашула?

(Лапар).

13. Серенада қандай мақсадда айтилган?

Серенада (лот. *serenus* – очик, равшан) – илгарилари кечкурун ёки тунги пайтларда муҳаббатга ё ҳурматга лойиқ бўлган кишининг уйи олдида ижро этиладиган мусиқа асари. Серенада термини муҳаббат ҳақидаги ашулаларда сақланиб қолган).

14. Эстрада, бу...

(Эстрада (фр. *estrade* – тахтасупа, минбар) – биринчи маъноси концерт ижрочилари учун қурилган тахтасупа – сахна. 2. Эстрада ёки эстрада санъати – сахна санъатининг бир тури бўлиб, турли шаклдаги (ижрочиларни чолғучи, ашулачи, бадий ўқиш, ракс, цирк санъати номерлари ва бошқаларни) бирлаштирувчи ташкилот).

15. Қозоқ, қирғиз халқларидан чиққан халқ шоири – ашулачи ва машшоқ. Булар одатда, халқ чолғу асбобларидан дўмбира жўрлигида ашула айтадилар. Улар халқ ашулалари, речитив (овоз чиқариб ўқиш) характердаги янги асарларни бадиха – имровизация қиладилар, яъни тайёргарчиликсиз янги асар яратадилар.

(Оқин).

16. Республикамизда “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали қачондан бери ўтказилади?

“Шарқ тароналари” мусиқа фестивали 1997 йилдан бери Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинади.

17. Бастакор

(Бастакор форс-тож. баста – боғлов, кор – иш, машғулот) – монодия услубида асар (асосан, кўшиқ, ашула, чолғу куйлар яратувчи ижодкор).

18. Ўзбекистонда нечта мусиқа таълими муассасаси бор?

(Республикамизда 300 зиёд 7 йиллик мусиқа мактаблари, 5 ўрта махсус мусиқа мактаб (интернат) ва лицейлари, 14 та мусиқа (санъат) коллежи, Ўзбекистон давлат консерваторияси мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида).

Мусиқа ва кўшиқ фестивали

Кутубхоналар, АКМ ва АРМ ларда 1 октябр халқаро мусиқа куни муносабати билан 5 кунлик фестивал ўтказиш мумкин. Фестивал доирасида хонандалар, мусиқа жамоалари иштирокида концертлар, мусиқа мутахассислари билан учрашув кечалари, давра суҳбатлари, мунозара кечалари каби тадбирларни уюштириш мумкин.

Ушбу тадбирларни ОАВлар орқали ёритиш тавсия этилади.

“Нафосат олами” мавзудаги китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

1. Қалб малҳами

Ушбу бўлимга мусиқа ва кўшиқчилик соҳасига оид ўқув қўлланмалари, монографиялар ва бошқа турдаги китоблар жойлаштирилади.

2. Кўшиқ тилсими

Мазкур бўлимда умуман кўшиқчиликка доир газета ва журналларда эълон қилинган материаллар жойлаштирилади.

**Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс
марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар
туркуми**

Т/р	Тадбирнинг мавзуи ва шакли	Қатнашувчилар
1	<p>“Муסיқа – дил таржимони” “Муסיқа ва инсон” “Олис оҳанглар” “Барҳаёт мерос” <i>Мумтоз муסיқий меросимизни тушуниш ва қадрлаш мақсадида ўтказиладиган Давра суҳбати</i></p>	Муסיқа олий ўқув юрти ўқитувчилари, муסיқашунослар, бастакорлар, хонандалар, талабалар
2	<p>“Умрбоқий қўшиқлар” “Халқ руҳининг жилолари” “Муסיқа – миллат завқи” Учрашув кечаси</p>	Муסיқа олий ўқув юрти ўқитувчилари, муסיқашунослар, муסיқали театр жамоалари, юқори синф ўқувчилари
3	<p>“Миллий эстрада: у қандай бўлиши керак?” <i>Муסיқа мутахассислари билан ўтказиладиган Савол-жавоб кечаси</i></p>	Кенг китобхонлар оммаси
4	<p>“Ёшлар қайси қўшиққа овоз беради?” <i>Ҳозирги кундаги эстрада қўшиқчилигига бағишланган Мунозара кечаси</i></p>	Муסיқа ўқув юрти ўқитувчилари, муסיқашунослар, хонандалар
5	Концертлар	Хонандалар, Талабалар, лицей, коллеж ўқувчилари

Адабиётлар

Вазирлар Маҳкамасининг “Ёш истеъдодлар учун “Нихол” мукофотини таъсис этиш тўғрисида” 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун “Нихол” мукофоти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида: ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2006 й. 9 авг. №169 қарори //ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами.-2006.-№31-32.-Б.79.

Ёш истеъдодлар учун “Нихол” мукофотини таъсис этиш тўғрисида: ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 й. 25 авг. Қарори //Ўзбекистон овози.-2000.-26 авг.

Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 26 апр. Фармони //Театр.-2002.-№3.-Б.1.

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори //Халқ сўзи.-1997.-12 март.

“Ўзбекистон-Ватаним маним” кўшиқ байрами ҳақида: ЎзР Президентининг 1996 й. 27 авг. Фармони //Халқ сўзи.-1996.-28 авг.

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини белгилаш тўғрисида: ЎзР Президентининг 2000 й. 14 март Фармони //Тошкент оқшоми.-2000.-15 март.

* * *

Аваз Комил. Олис оҳанглар: Бадиа.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,1997.-207 б.

Акбаров И. Мусиқа луғати: Ўзбекистон композиторлар союзи мусиқа танқиди комиссияси тавсия қилган тузатилган ва кенгайтирилган 2-нашри.-Т.: Ўқитувчи, 1997.-383 б.

Акбаров И. Музика луғати /Масъул муҳаррир Г.Ғофурбеков.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.-448 б.

Жабборов А. “Ўзбекнаво” юлдузлари /А.Бойкўзиёв; Сувон Мели таҳрири остида.-Т.: Чўлпон, 2000.-224 б.

Мусақулов А. Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари: ЎзРФА Алишер Навоий номидаги адабиёт ин-ти.-Бухоро, 1994.-41 б.

Назаров А. Форобий ва Ибн Сино муסיқий ритмика хусусида /Масъул муҳаррир Ф.Кароматов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.-131 б.

Соломонова Т. Ўзбек муסיқаси тарихи: Музика олий ўқув юрт. студент. у-н ўқув кўлл.-Т.: Ўқитувчи, 1981.-191 б.

Турсунов Р. Халқ муסיқа ижодиёти ва адабиёти /Масъул муҳаррир Қ.Мамиров; ЎзР Маданият ишлари вазирлиги.-Т.: Ма`rifat-Madadkor, 2002.-80 б.

Умрбоқий кўшиқлар: Машҳур кўшиқлар тўплами / Нашрга тайёрловчи, тўпловчи Э. Очиллов.- Т.: Шарк, 2002.-224 б.

Файзиёв О. Муסיқа ўқитиш методикаси.-2-тузатилган нашри.-Т., 1997.-80 б.

Феруза Асқар. Муסיқа ва инсон маънавияти /Масъул муҳаррир М.Ҳамидова.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти,-2000.-96 б.

* * *

Абдуллаева О. Ҳамиша гўзал ва мазмунли кўшиқлар янгрисин //Тошкент оқшоми.-2004.-18 авг.

Абдуллаева Р. Кўшиқлар мардликка чорлайди [бастакор билан суҳбат] /Суҳбатдош Н.Усмонова //Ватанпарвар.-2004.-8 янв.

Акромова С. Даволардан бири: //Қишлоқ ҳаёти.-1998.-10 апр.

Акбаров Ҳ. Барҳаёт мерос: Муסיқани тинглаш керакми ёки кўришми? //Хуррият.-2002.-14-21 авг.

Дўстов С., Ражабова Т. Муסיқий фаолият турларининг таълимий мазмуни //Халқ таълими.-2007.-№4.-Б.111-113.

Дорофеева Т. Мумтоз муסיқанинг тарбиявий-эстетик моҳияти //Соғлом авлод учун.-1999.-№2.-Б.41.

Зиёдова А. Амир Темур даврида мусиқа //Гулистон.-1998.-
№6.-Б.61.

Жабборова Н. Мусиқа – миллатнинг руҳи //Ўзбекистон
овози.-2003.-13 март.

Иброҳим Ҳаққул. Мусиқа – миллат завқи /Сухбатдош
Илҳом Аҳроф //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1997.-9 янв.

Исамухамедов З. Мусиқа – руҳ озиғи //Ўзбекистон
адабиёти ва санъати.-2006.-27 янв.

Исомиддинов З. Халқ руҳининг жилолари //Ўзбекистон
адабиёти ва санъати.-1999.-8 окт.

Йўлдошев А. “Мусиқа – руҳ озиғи...” //Ўзбекистон
адабиёти ва санъати.-2007.-14 дек.

Мавлонова С. Миллий руҳият садоси //Гулистон.-2002.-
№1.-Б.9.

Мамирова Қ., Рўзиев И. Мусиқа тарбия воситаси
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2008.-1 февр.

Мақом куйлари ҳақида [ривоят] //Холис.-2008.-1 май.-Б.9.

Мирсоатова М. Махсус репортаж MQTV: Ёил эътирофи
//Jannat Maqom.-2008.-№2.-Б.8-13.

Муродова Д. Қалб мусикадан руҳланади [сухбат]
//Мулқдор-2004.-9 апр.

Мусо Жаъфар бин Ҳасан Ўзбекистоннинг тарихи бой,
бугуни ёрқин, келажаги буюқдир [сухбат] //XXI asr.-2007.-30
авг.

Муҳитдинов М. Икки аллома назм ва мусиқа ҳақида
//Санъат.-1991.-№8.-Б.8.

Ойхўжаева Ш. Тарона нима? //Театр.-2007.-№5.-Б.23-24.

Олти кунлик томоша [“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа
фестивали ҳақида] //Театр.-2007.-№5.-Б.4.

Рўзиев Д. Мусиқа таълими технологиясининг баъзи
масалалари //Халқ таълими.-2007.-№4.-Б.117-120.

Сабирова Н. Ўзбекистонлик истеъдодли ёшлар “Шарқ
халқлари” фестивалида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2008.-
18 июль.

Саидов А. Мусиқа нафосатга ундасин //Халқ таълими.-
2001.-№3.-Б.104-106.

Саидова А. Муסיқа таълими жараёнида миллий урф-одатлар орқали талабалар маданиятини шакллантириш //Халқ таълими.- 2007.-№6.-Б.81-83.

Саид Саидий: Мозийдан садо: Муסיқий ижрочиликда психологик интонация ва усуллар драматургияси //Тарбия.- 2007.-№2.-Б.39-42.

Сирожев У. Создан йироқ “юлдузча”лар //Хуррият.-2007.-7 февр.

Тожиев М. Муסיқа – дил кувончи //Хабар.-2006.-16 июнь.

Турғунова Н. Қўшиқ – қалб малҳами /Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2008.-9 май.

Умарова Г. Муסיқа – дил таржимони //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2008.-9май.

Феруза Асқар. Муסיқа тилини тушунасишми? //Театр.-№3.- Б.46.

Феруза Асқар. Сирли муножот: санъат фалсафаси //Тафаккур.-2000.-№3.-Б.42-47.

Феруза Асқар. Табиат ва тафаккур товушлари //Гулистон.- 2002.-№3.-Б.23.

Қўшшаева И. Куйда огоҳлик мавжуд бўлса... //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-30 нояб.

Қўчқоров Ғ. Муסיқанинг сеҳрли сирлари //Театр.-2003.- №4.-Б.11.

Ҳайдаров А., Жўраев М. Ҳаётбахш қўшиқлар янграб бу юртда [фольклор] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-22 июнь.

Ҳайдаров С. Бунда юлдуз кўп бўлур... //Мулқдор.-2000.- 15-21 дек.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 29 октябрь

Бичими 60x84 ¹/₁₆

Ҳажми 1.75 б. т. Нусхаси 300

Буюртма № 117

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 33.